



## ЛОТИН ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-МАДАНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Бакаев Нажмидин Бакаевич

Осиё халқаро университети

«Фундаментал тиббиёт» кафедраси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15000204>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-Mart 2025 yil

Ma'qullandi: 06-Mart 2025 yil

Nashr qilindi: 10-Mart 2025 yil

### KEYWORDS

лотин тили  
терминологияси, архаик  
сузлар, интеллектуал,  
антик давр.

### ABSTRACT

*Ушбу мақола тиббиёт олий таълим муассасаларида талабаларга лотин тилини ўқитишда интеллектуал-маданий ривожлантиришда уларга психологик назарий тушунчалар яратиб бериш муаммолари ва асослари хақида фикр юритилган.*

Жаҳонда тиббиёт соҳасининг жадаллик билан ривожланиши лотин тилини ўқитишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларида лингвистик тафаккур ривожланишни эътиборга олган ҳолда ўқитиладиган лотин тилининг грамматик шакл ва категорияларини антик маданиятни ўзлаштириш асосида таркиб топтириш, абстракт грамматик фикрлашни масофавий онлайн очиқ курсларида ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тилини чуқурлаштирилган ҳолда ўқитишнинг ўқув-услугий таъминоти алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан компетентциявий ёндашув асосида тиббиёт олий таълим муассасаларида «лотин тили ва тиббий терминология асослари» фанини ўқитишнинг методик таъминотини модернизациялаш, талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик асосларини концентризм тамойили бўйича фундаментал ва амалий билимлар асосида такомиллаштириш, интеллектуал маданий тавсифдаги ўқув материалларини тизимлаштириш таксономиясини аниқлаштириш заруратини изоҳлайди.

XX аср бошларида Ф.Зелинский антик давр маданияти, шу жумладан, лотин тилини ўрганишнинг замонавий жамият учун заруриятини асослашга йўналтирилган маърузалар мажмуини яратди. У турли босқичларда лотин тилининг ўқитилиши ўша давр билан боғлиқлигига қарамаздан ҳам ҳамма вақт интеллект ва маданиятни бойитишдан иборат бўлиши лозимлигини таъкидлаган.

Н.Кацманнинг фикрича, олий таълим муассасаларида лотин тилини ўқитиш талабаларда лингвистик дунёқарашни таркиб топтириш, абстракт грамматик фикрлашни ривожлантириш, она тили ва хорижий тилларни ўрганишга илмий ёндашувни қарор топтириш, антик маданиятни ўзлаштириш орқали талабаларда умуммаданий ва интеллектуал компетентликни ривожлантириш каби лингвистик

компетенцияларни шакллантиришга имкон беради. Талаба луғат ёрдамида лотин тилидаги матнларни ўқиш учун зарур грамматика ва лексикани ўзлаштириши унинг касбий компетентлигини такомиллаштириш имконини беради.

А.Подосинов лотин тилини ўқитишнинг етакчи мақсади индивидуал таълим стратегиясини шакллантириш эканлигини таъкидлаб, ушбу очиқ тавсифга эга ва нисбатан осон ўзлаштириладиган тил тизими умумий тарзда тилни ўрганишни ташкил этишга доир кўрғазмали ва қулай тасаввурларни ҳосил қилади ҳамда дунёнинг исталган тилини ўрганишга онгли ёндашиш имконини беради, деган хулосага келинган.

Е.Цыркунова талабаларда ўқув автономлигини шакллантириш учун лотин ва замонавий чет тиллар орасидаги фанлараро алоқадорликнинг муҳимлигини таъкидлаб, «талабаларда ўқув автономлигини шакллантириш, шунингдек, инглиз ва рус тилларини ўқитишда лингвистик компетентликни таркиб топтириш имконини берадиган» лотин тилини ўқитиш методикасини ишлаб чиққан.

Лотин тилини ўқитишда амалий, интеллектуал, маданий, тарбиявий компонентлар талабаларнинг интеллектуал-маданий ривожлантириш имконини беради. Интеллектуал-маданий ривожланиш – **шахс тараққиётининг муҳим тавсифини ўзида ифода этиб, ҳаётий фаолият жараёнида зарур бўладиган мустақиллик, индивидуаллик, билиш фаоллиги, фикрлаш, ўз-ўзини эркин намоён этиш, жамият талабларига мувофиқ фаол ҳаракатланиш, маданий меросни кенг миқёсда ўзлаштириш, юқори маданий савияга эга турмуш тарзини шакллантириш, эгалланган билим, кўникма ва малакаларни амалиётга татбиқ эта олиш қобилиятидир.**

Интеллектуал-маданий ривожланиш жараёнининг таркибий қисмлари сифатида мотив, билиш, билиш фаоллиги, мустақиллик, ижодийлик, дунёқараш, илмий дунёқараш, илмий қадриятлар, маданий қадриятлар кабиларни киритиш мақсадга мувофиқ. Тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқитиладиган «лотин тили ва тиббий терминология асослари» фани талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришда **«ақл гимнастикаси»** вазифасини бажаради.

Грамматик шакл ва категорияларни ўзлаштириш орқали талабаларда лингвистик тафаккур ривожланади. Лотин тилини ўқитишда талабаларни турли муаммоли вазиятларнинг мустақил ечимини излаб топишга йўналтириш махсус билимларни оддий ўзлаштиришдан кўра катта аҳамият касб этади. Мазкур малакалар таълим олувчига келажакда зарур ахборотларни излаб топиш, қайта ишлаш, масаланинг туб моҳиятини англаб етиш, тўғри қарор қабул қилиш, шунингдек, тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари томонидан қадимги юнон ва римликлар томонидан ишлаб чиқилган ахлоқий, сиёсий, эстетик қадриятлар билан танишиш қатъий ҳаётий позицияга эга фуқарони тарбиялаш ҳамда ўзининг шахсий фаолиятига масъулиятли муносабатни қарор топтириш имконини беради.

Лотин тилидаги сўзларнинг шакли ва маъносини таҳлил этиш асосида талабаларнинг тафаккурини бойитиш, шунингдек, синхрон режимда сўзларнинг тузилишини ўрганиш талабаларнинг аналитик тафаккурини ривожлантириб, тил шакллари, ўзлаштира, архаик сўзлар ва неологизмларни таснифлашни тақозо қилади.

Антик давлатлар фан ва маданиятининг бой меросини ўзида акс эттирган лотин тилини ўқитиш талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантириш ва уларни фаол мустақил изланишга ўргатиш; лотин тилининг қадимий асосларга эгаллиги; сўзларнинг шакли ва маъносини таҳлил этиш орқали талабаларда фикрий жараёнларни чуқурлаштириш; ўзлашма сўзларни ўрганиш, бошқа тиллар билан таққослаш; мумтоз грамматик шаклларни ўзлаштиришнинг қийинлиги ва мураккаблиги, аналитик фикрлаш, архаизм ва ўзлашма сўзларни таҳлил этиш; лотин тили грамматикаси қонуниятларининг бошқа тилларга таъсирини англаб этиш каби муҳим жиҳатларни аниқлаш имкониятини беради.

Лотин тилини ўрганиш жараёнида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг муҳим компоненти сифатида нутқнинг хилма-хил турлари ва шакллари ўзлаштирилади. Жумладан, матнни чуқур қайта ишлаш орқали ташқи (оғзаки) нутқ ёрдамида материални қулай идрок этиш; ёзма нутқ учун ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотнинг мнемоник тавсифини ўзлаштириш вазифаси ҳал этилади. Диалогик нутқда суҳбатдошнинг фикрларини тушуниш ва унга мос жавоб қайтариш кўникмасини эгаллаш талаб этилади. Монологик нутқ нутқий фаолиятнинг мураккаб тури сифатида масаланинг моҳиятини чуқур мушоҳада этиш ва нотиклик малакасини ривожлантиришни тақозо этади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тилини ўқитишда талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг параметрлари: тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқитиладиган «лотин тили ва тиббий терминология асослари» фани мазмунини интеллектуал-маданий тавсифдаги маълумотлари; миллий-маданий моҳиятни ёрқин акс эттирувчи ўқув бирликлари; лотин тили ўқув материаллари бўйича соатлар ҳажми; тиббий терминларнинг фонетик, грамматик ва лексик ҳажми; мустақил уқишмаданиятшуносликка доир мавзулар, концепт ва воқеликлар тизими.

талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг когнитив, фаолиятга доир ва амалий мезонлари асосида индикаторлари қуйидагича аниқланди:

- а)** лотин тилидаги тиббий термин( атама)ларни билиш;
- б)** лотин тили тиббий касбий термин(атама))ларини фонетик, грамматик ва лексик жиҳатдан тушуниш;
- в)** матнлар билан ишлаш жараёнида лотин тилидаги тиббий термин(атама)ларни қўллаш олиш.

«Лотин тили» фанининг хусусиятлари, унинг атамашунослик мазмуни ва маданий-мазмунли ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда дарсларда лингвомамлакатшунослик материални узатишнинг тизим ҳосил қилувчи компонентлари сифатида концепт ва воқеликни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашувда концепт материалнинг йирик бирлиги (мавзу, кенг тушунча), воқелик эса – унинг янада хусусий ва алоҳида намоён бўлиши (муайян тушунча, сўз) сифатида кўриб чиқилади. Ушбу ёндашув ўқитишда кетма-кетлик ва босқичлилиқ педагогик тамойилларига мос келади ҳамда ўқитувчига ўқув материали, унинг ҳажми, дарснинг вазифалари ва талабаларнинг имкониятларига боғлиқ ҳолда мураккаблик даражасини эркин тарзда тизимлаштириш ва ўзгартириш имконини беради.

Лотин тилидаги матнлар билан ишлаш жараёнида талабалар мамлакатшунослик ва маданиятшуносликка доир маълумотларни таҳлил этиш ва таққослаш асосида

касбий компетентликка эга бўлишади. Матнлар билан ишлаш жараёни алгоритмик кетма-кетлик асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ латин тилини ўрганишнинг барча босқичлари мазмунига лингвомаданиятшуносликка доир ахборотларни сингдиришда қўйидаги даражаларни ўзида акс эттириши лозим:

**I даража** – лексик. Сўзлар, уларнинг маъносини ўзлаштириш орқали фикрлаш жараёни ривожлантирилади. Масалан, ҳайвон – **pecus** сўздан пуллар – **pecunia** сўзи келиб чиқиши товар-пул муносабатларининг ўзаро алоқадорлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

**II даража** – терминологик (атамашунослик). Ўқиш жараёнида антик ҳаётнинг турли соҳаларини акс эттирувчи атамалар, ижтимоий-сиёсий табиатга эга атамалар (масалан: **civitas, respublica, imperator, consul, princeps, patronus, cliens, triumphus** ва ҳ.к.), юридик атамалар (**jus, legislatio, advocatus, causa, iudicium** ва ҳ.к.), диний (**deus, augur, auspicia, templum, ara, pontifex, vestalis** ва ҳ.к.) санъатшунослик (**ars, pictor, columna, porticus, arcus, statua, simulacrum** в.б.), адабий (**poema, versus, stylus** ва ҳ.к.), маиший (**toga, tunica, schola, familia, matrona, matrimonium** ва ҳ.к.), табиий-илмий (**cella, solutio, nucleus, ferrum, reactio, turbulentus, calculatio, factus, effectus, quantus** ва ҳ.к.) соҳага доир атамалар билан танишадилар.

**III даража** – афористик (ҳикматли сўзлар билан танишиш ва таҳлил этиш). Ҳикматли сўзлар маълум бир тарихий воқелик билан боғлиқ бўлиб, уларни изоҳлаш жараёнида талаба маданий ҳаётга мурожаат қилади, масалан, **tabula rasa** («тоза доска») ифодаси стилос ёрдамида мумланган тахтачаларга ёзиш усули тўғрисидаги ҳикояни кўзда тутаяди; **dues ex machina** («машинадаги илоҳ») – юнон театри, унинг тузилиши ва драматургик тамойили тўғрисида; **divide et impera** («тақсимла ва ҳукмронлик қил») – Римнинг унга боғлиқ бўлган давлатга нисбатан империя сиёсати тўғрисида; **veni, vidi, vici** («келдим, кўрдим, ғолиб бўлдим») – Цезарнинг Потин шоҳи Фарнак билан курашидаги машҳур эпизод тўғрисида; **scio me nihil scire** («ҳеч нарса билмаслигимни биламан») – Сукрот(Гиппократ) фалсафасининг асослари тўғрисида ва ҳ.к.

Лингвомаданий материалларни лойиҳалаштиришнинг дидактик тизими латин тилини ўзлаштиришнинг лексик, терминологик ва афористик даражалари бўйича ишлаб чиқилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Technology in the Modern World, 2(8), 57–58. izvlecheno ot <https://inacademy.uz/index.php/zdift/article/view/10926>
2. . Бакаев Нажмиддин Бакаевич. (2022). ДИСТАНЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ КАК СРЕДСТВО ОБМЕНА УЧЕБНОЙ ИНФОРМАЦИЕЙ НА РАССТОЯНИИ. EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE, 2(2), 278–282. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6282694>
3. Baкаev N.B. (2022). METHODOLOGICAL BASIS OF MASTERING FOREIGN LANGUAGE. EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE, 2(3), 146–150. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6378840>
4. Бакаев Нажмиддин Бакаевич, Рахмонов Сухроб Бахриддинович. (2022). ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В СОВРЕМЕННЫХ РЕАЛИЯХ. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6585277>

5. Бакаев Нажмиддин Бакаевич. (2022). ПРОБЛЕМЫ ОБУЧЕНИЯ ЛАТИНСКОЙ АНАТОМИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ В ПОЛИЛИНГВАЛЬНОЙ ГРУППЕ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ. EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(9), 49-56. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7073544>

6. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev, Najmiddin Bakaevich Bakaev, Nafisa Zainiddinovna Tasheva STUDYING PHILOSOPHICAL REALITIES OF THE RENAISSANCE EPOCH, BASED ON THE STRUCTURAL ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL TEXTS // Academic research in educational sciences. 2021. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/studyingphilosophical-realities-of-therenaissanceepochbased-on-the-structural-analysis-ofphilosophical-texts>.

7. Shahobiddin Sharofiddinovich Shodiev. Bakaev Najmiddin Bakaevich. expressions.. (2020). The role of the Latin language in the history of world statehood. ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (85), 367-372. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-05-85-71> Doi: [https://dx.doi.org/10.15863/TAS\\_Scopus\\_ASCC:1203](https://dx.doi.org/10.15863/TAS_Scopus_ASCC:1203) . THE ROLE OF THE LATIN LANGUAGE IN THE HISTORY OF WORLD STATEHOOD.

